

# ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 11083

«16» 03 2022 йил

Беруний тумани

Бундан бүён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи Беруний шахар НС ва Э. Башкармаси номидан низом асосида фаолият олиб борувчи башкарма бошлиги У.Примов бир томондан ва бундан бүён “ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ” деб аталувчи “Отабек Дилдора Юлдуз Сервис” хусусий корхонаси номидан низом асосида фаолият олиб борувчи корхона рахбари Б.Бабаджанов иккинчи тарафдан мазкур шартномани күйидагилар хақида түздилар.

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1.Ушбу шартнома буйича «Хизмат күрсатувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан күрсатиладиган хизматларни бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2.Ушбу шартноманинг умумий суммаси **15 044 405** (Ун беш миллион кирк турт минг турт юз беш) сўм ни ташкил этади.

## 2. КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТНИ БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БҮЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Күрсатиладиган хизматларнинг бошланиши «16» 03 2022 йил.

2.2. Күрсатиладиган хизматларнинг тугаши вақти «16» 06 2022 йил.

2.3. Күрсатиладиган хизматларнинг бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида күрсатиладиган муддатгача амалга оширилади.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1.Ушбу шартноманинг умумий нархи **15 044 405** сўмни ташкил этади.«Буюртмачи» күрсатиладиган хизматларини бошлаш учун «Хизмат күрсатувчи»га шартнома нархининг 30 % ёки **4 513 321,50** сўм микдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг март ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Хизмат күрсатувчи» күрсатилган хизматларни тасдиқловчи хужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг микдори **10 531 083,50** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабрь гача амалга оширилади.

3.2.«Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3.«Хизмат күрсатувчи» ташкилоти томонидан шартномада күрсатилган суммадан ошикча күрсатилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 4.1.Хизмат күрсатувчи:

Шартнома баҳоси **15 044 405** сўм бўлган күрсатиладиган хизматларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириши.

4.2. Агар күрсатиладиган хизматлар мазкур шартномада күрсатилган муддатда Хизмат күрсатувчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига кўйидаги тартибда жарима тўлайди:

-Күрсатиладиган хизматларнинг муддатлари кечикириб юборилган, тўлик кўрсатилмаган, хизмат кўрсатувчи буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни кўрсатиладиган хизматларни бажариш муддатларини кечикириб юбориш, тўлик бажармаслик, оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.3.Хизмат кўрсатувчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик бажарилган ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тулиқ хажмда, далолатнома асосида топширади.

### 4.4.Буюртмачи:

Шартномада курсатилган 3.2. ва 3.3. бандлари бузилса, таъмирлаш ишларининг ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пена тўлайди.

4.5. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқлади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга қелганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичida ушбу ҳолатлар харакати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қиласа, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабр гача амал қиласи.

8.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, кўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш ҳолларда шартнома бажарилган хисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугапи томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»

### «БУЮРТМАЧИ»

«Отабек Дилдора Юлдуз сервис» х.к	Беруний НС ва ЭБ
Манзил: Урганч шахар П.Махмуд 59-үй	Манзил: Беруний т. Беруний ш. Кат куча 84-үй
х\р 20208000804825707001	Ш/хв1: 100021860352077042402170002
Банк номи: АТБ Хамкорбанк Урганч филиали	СТИР: 200937552 ОКОНХ: 22100
МФО:01020 СТИР: 301470056	X/r: 23402000300100001010
тел : 998 97 211-04-22 ОКЭД: 33120	ЎР Молия вазирлиги Фазначилиги
	Марказий банк Тошкент шах ББХКМ
	МФО:00014 СТИР:201122919

## 10. Тарафларнинг имзо ва муҳрлари:

“Хизмат кўрсатувчи”

М.ў



(Имзо)

Б.Бабаджанов

“Буюртмачи”

М.ў



(Имзо)

У.Примов